



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1999 йил 13 октябр, чоршанба № 143 (790)

ТОШКЕНТДА ТУРИЗМ БАЙРАМИ

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» да «Буюк ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланган халқаро туризм ярмаркаси очилди, унда жаҳоннинг 25 мамлакатидан 150 дан ортиқ туризм фирмалари иштирок этмоқда.

Бу йил бешинчи марта ўтказилаётган ушбу ярмарка Марказий Осиёдаги энг нуфузли туризм тадбири сифатида танилди. Унда дунёдаги кўп мамлакатларнинг, жумладан жаҳон туризм индустриясининг етакчи мамлакатлари ҳисобланган Испания, Туркия, Миср, Таиланднинг энг машҳур туризм маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Ярмарка шу соҳада ишлаётган мутахассисларга касбдошлари билан тажриба алмашиш, туризм соҳасидаги энг янги ютуқлардан хабардор бўлиш, амалий алоқалар ўрнатиш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради. Ярмаркага келувчи барча кишилар жаҳон туризм индустриясининг замонавий ютуқлари билан танишиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов ярмарка иштирокчиларини табриклади. У Буюк ипак йўли турли мамлакатлар туризм ташкилотларининг фаолияти туфайли бутун дунёга машҳурлигини таъкидлади. Бизнинг мамлакатимиз бу ноёб йўналишнинг фақат жўрғофий марказигина эмас, балки унинг маънавий ва маданий «юраги» ҳамдир. Республикаимиз ҳудудида тарих, маданият ва меъморчиликнинг ноёб ёдгорликлари мавжуд. Аини туризм Ўзбекистоннинг бой маданий ва маънавий салоҳиятини жаҳон ҳамжамиятига намойиш қилишга қўриқди.

Ярмарка 14 октябргача давом этади. Ярмарка ишлаб турган кунларда амалий учрашувлар ва алоқалардан ташқари, Жаҳон туризм ташкилоти ҳомийлигида «Туризм - тинчлик ва барқарорлик рамзи» мавзусида халқаро семинар ўтказиш кўзда тутилган.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлди. Унда мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилди. Делегатлар Ислам Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда мазкур партия раиси И.Фафуровнинг Миллий тикланиш демократик партияси ва Ўзбекистонда демократик сайловлар жараёни ҳақидаги маърузаси тингланди, партиянинг сайловолди Дастури маъқулланди. Марказий Кенгашнинг янги таркиби, партия эмблемаси тасдиқланди. Шунингдек, партия Дастурининг янги тахририга оид масала кўрилди.

«Алпомиш» дostonи юбилейи олдидан Майдон полвонларни чорлайди

Қадим Термиз байрамона либосга бурканмоқда. Бу ерда «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллик тантаналари билан айна бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун кураш бўйича иккинчи халқаро турнир ҳам ўтказилади.

Миллий кураш бўйича бир неча халқаро ва республика мусобақалари ўтган шаҳардаги «Алпомиш» уйингоҳи яна алл

полвонларни майдонга чорлайди. Ушбу тадбирни ўтказувчи вилоят ташкилий кўмитасидан маълум қилишларича, турнирда жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлакатидан номдор полвонлар қатнашади. Бунинг маъноси шуки, спортнинг энг жозибали, чақон, ҳалол тури деб тан олинган кураш мусобақалари гоят қизиқарили ўтади. Фолибларни «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари кутмоқда.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

этилган бўлиб, унда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Германия каби кўплаб давлатлардан вакиллар қатнашмоқда.

Анжуманда кутубхоначилик соҳасига оид кўплаб масалалар муҳокама этилаётган. Мутахассислар, олимлар ва амалдорларнинг маърузалари мамлакатимизда кутубхоначилик соҳасининг аҳоли, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида унинг мавқеини кўтариш, турли хабарларни ривожлантиришда кутубхоналардаги улкан ахборот захираларидан фойдаланиш, бундан тараққий этган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллашга оид мавзуларни қамраб олган.

Янги давр кишилари АХМАДБОЙ МАКТАБ ҚУРДИ

Сурхон воҳасининг энг обод гўшаларидан бири бўлиши Денов тумани азалдан ишбилармон, саховатпеша, эл ишига қамарбаста кишилари билан машҳур бўлган. Мустақиллик шарофати ила бундай бағри кенг инсонлар сафи янада кенгаймоқда. Амир Темур номли хўжалик ҳудудида фаолият юритаётган фермер Аҳмадбой Нарзуллоев уларнинг бири. Яқинда у ўз ташаббуси билан шахсий жамғармаси ҳисобидан мактаб қуришни жазм этди.

Июль ойининг сўнгги кунларида Аҳмад полвон идорага ташриф буюрди, - дея хикоя қилади бошқарув раиси Урол Сафаров. - У эзгу ниятини билдирганида фаоллар икчиланиди. Бои-

тиха беришди. Аҳмад ака астойдил ҳаракат қилди. Қурилиш материалларини табиб келтириш, ён-атрофини ободлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Бироқ ҳеч кимга меҳнатини, сарфлаётган маблағини миннат қилмади. Қисқа фурсатда 400 ўринли ажойиб мактаб қад ростлади. Илм маскани Орол қишлоғи ўқувчиларига совға қилинганда қишлоқда байрам бўлиб кетди.

Президент Фармони шарофати билан мулкдор бўлди. Фермер бойиса кўлга нафи тегади, - фикрини ифодалайди «Лочин»

Хитойлик шериклар билан ҳамкорликда

Хўжабод тумани марказида ташкил этилган Ўзбекистон-Хитой кўша марказида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқара бошлади. Корхона машҳур Тянь-Дин-Ду компанияси билан биргаликда бир неча йилдан буён банк-ролик арасида турган собиқ тивувчилик-трикотаж фабрикаси базасида барпо этилган.

600 киши меҳнат қилаётган бу янги корхонада трикотаж кийимлар, шунингдек эркакларнинг кўчалик кийими ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижа экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.


Бахт шахридаги «Бахт» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Мазкур ҳиссадорлик жамияти жамоаси мавсумда 53 минг 495 тонна пахта қабул қилишни режалаштирган. Аини пайтда корхонада барча ишлар қисқартирилган технология асосида олиб борилмоқда. Бу эса соатига 300 киловатт электр қувватини тежашга ёрдам берапти.

Шунингдек, бу ерда ишланган пахта маҳсулотининг 95 фоизи Америка, Англия, Швейцария, Франция, Австралия каби хориж мамлакатларига сотилади. Хозир жамиятда 460 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача иш ҳақи 7000-8000 сўмни ташкил қилапти.

Суратларда: Прессловчи Равайн Хўжақулов. Прессловчи ҳақида.

Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



ЯНА БИР ЯНГИ НАШР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Яқинда эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Давлат тест маркази таркибида Қадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилди.

Мазкур бошқарма ўз фаолиятини республика-миз таълим муассасаларида ўтказилган давлат аттестацияси натижаларини мунтаза ёритиб бориш мақсадида бюллетень чикаришдан бошлади. Икки ойда бир марта нашр этиладиган ушбу бюллетеннинг илк сонида олий ўқув юртида ўтказилган аттестация натижалари, Ўзбекистон Республикаси ўзгучи таълим тизимидаги педагог кадрларнинг давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом ва бошқа материаллар чоп этилди, таълим муассасалари янгиликларига кенг ўрин берилди.

ВАТАН САРҲАДЛАРИ МУСТАҲКАМ

Киргизистон билан чегарадош ҳудудларда вазият мураккаб бўлишига қарамай, Боткен ва Қадамжой туманлари билан бевосита чегарадош Сўх туманида тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Ўзбекистон ҳарбийлари мамлакатимиз сарҳадларини хушёрлик билан кўриқламоқда. Аини пайтда аҳолининг бордини келдиси чеклаб қўйилган йўқ. Боткен аҳолиси ҳамон Сўх бозорларидан маҳсулот харид қилмоқда ва ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотмоқда.

Ҳеч кимнинг тинчи бўзилмасини экан, - дейди Боткен тумани Саритепа овулида яшовчи Сора Эрназарова. - 9 нафар фарзандим бор. Дехқончилик ортидан кун ўтказамиз. Юртимизга бостириб кирган жангариларнинг қилмишларини эшитиб, овулимизни ташлаб кетишга мажбур бўлдик. Хозир Боткен тумани марказидаги қочқинлар лагериде яшаёмиз. Қишлоғимиз жангарилардан озод этилган бўлса-да, у ерга боришга журъат етолмай, юрак ҳовуллаб ўтирибмиз. Азал-азалдан Сўх бозоридан маҳсулот харид қиламиз. Машвум воқеалардан сўнг, нахотки Сўхта ўтолмай қолса, деб чўчиган эдик. Ҳайриятки, аҳолининг бордини келдиси-га чеклаш бўлмади.

Бухоро толаси шўқрати

Швейцария тўқимачилик соноати пахта толасидан ишлаб чиқараётган ип-газлама маҳсулотлари кўплаб давлатларга экспорт қилинади. Бу мамлакатнинг талайгина фирмалари бир неча йилдан буён Бухородан пахта хом ашёси сотиб олмоқда. «Бухоро-6» нави толаси ўзининг юқори сифати билан хорижий шерикларга гоят манзур бўлаётган. Шу боис бу йил Швейцарияга янги ҳосилдан тайёрланган ўн минг тоннадан кўпроқ тола жўнатилади. Қувончли шундаки, Жанубий Корея, Италия, Франция, АҚШ фирмалари ҳам ана шу хил толани харид қилиш тўғрисида шартномалар тузишган.

Темирчи Уста Шокир Камолов бир гуруҳ хунарманд ҳамшаҳарлари билан Францияда бўлиб, аънавий Бухоро кўнларида қатнашиб келди.

Бухороий шарифнинг 2500 йиллик юбилейи ЮНЕСКОнинг Па...

«МИНОРА ЭМАС, МЎЪЖИЗА ЭКАН!»

риждаги қароргоҳида жаҳон миқёсида нишонланганидан кейин қадим шаҳар кўнларини ҳар йили ўтказишга қарор қилинганди. Хунармандларимиз Фарангларга Бухоро темирчилик, зардўзлик, қандакорлик, мисгарлик, патдўзлик, заргарлик ва бошқа миллий амалий санъат намуналарини намойиш қилишди. Ҳаммасидан ҳам уста Шокир Камолов яратган Минора Калоннинг кичрайтирилган шакли мезбонларнинг лол қолдириди. Парижликларни миноралар билан ҳайратга солиш, албатта осон эмас. Негаки, мамлакат пойтахтидаги Эйфель минораси жаҳонга машҳур. Аммо ундан ҳам гўзал ва қадимий минора борлигини эшитиб, фаранглар ҳайратини яшира олмади. Бунинг устига Минораи Калоннинг гўшадан бунёд этилганини эшитган томошабинлардан бири устанинг қўлини маҳкам қисиб: «Бу минора эмас, мўъжиза экан», деди.

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Киргизистон Республикаси жанубидаги вазият, умуман олганда, ўзгаришсиз қолаётган. Қиргизистон Куролли кўчаларининг бўлиналари Зардоли ва Кургон қишлоқларидаги муҳим жойларни эгаллаган. Шунингдек, Қиргизистон Куролли кўчалари, мамлакат жанубидаги Бирлашган қўшин ва Миллий хавфсизлик вазирлиги учун давлат аҳамиятига молик маълумотлар ва тезкор ахборотни тўплаш давом этмоқда.

Киргизистон Республикаси Жўгурку кенесининг

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Халқ вакиллари йиғини ўзининг навбатдан ташқари сессиясини бошлади. Сессия кун тартибидеги бош масала мамлакат жанубида янги — Боткен вилоятини тузишдир. Янги вилоят тузишнинг қатор омиллар тақозо этмоқда. Шулардан энг муҳими Тожикистон билан чегарани мустаҳкамлашдир.

Босқинчи тўдалар ҳамон Хўжа Очкан қишлоғини тартқ этгани йўқ. Улар денгиз сатҳидан 3500 метр баландликдаги тепаликларга ўрнашиб олган. Уларнинг айримлари Телбе дараси орқали Тожикистоннинг Жирғатол туманига чекинмоқда. Жангариларнинг бир неча тўдаси Олой тоғ тизмасидаги Тожикистон Республикаси билан чегарадош, ўтиш қийин бўлган ерларга жойлашган.

Назорат нуқталарининг саъй-ҳаракатлари, пистирма қўйиш ва рейдлар ўтказиш ҳамда баланд тепаликларни мудофаа қилиш йўли билан, ҳукумат қўшинлари жангарилар Қиргизистон ҳудуди ичкарига суқилиб киришининг олдини олмақда. Боткен, Лайлак ва Қадамжой туманларида чегара бўлиналари тузиш, уларнинг шахсий таркибини тўлдирдиш ишлари давом этмоқда. Чегарачилар ҳарбий навбатчиликни бажаришга киришмоқда.

Ф. ЖАМОЛОВ (ЎЗА)

Р. КАМОЛОВ, ЎЗА муҳбири.

1999 йил — Аёллар йили

САДОҚАТ ЮЛДУЗЛАРИ

(Достон)

РИВОЯТ

Кайдандир шунчалар
Жозоба, кудрат?
Кайдандир шунчалар
Гузалик, ифбат?

Жумбоқни ечмоққа
Кўшайин ҳисса.
Бу ҳақда ровийлар
Сўзламиш қисса.

Эмишки, одамзот
Яралган замон.
Дилида бор экан
Биргина армон.

Жамики жонзотлар
Жуфт яшар экан.
Эркак-чи ёлғизлик
Азобин чеккан.

Оқ-фигони тутгач,
Эрхон қилмоқ бўлди,
Тангри малакни.

Лек қандай яратсин,
Этмоқ керак ҳал.
Бул зот бўлмоқ зарур
Ноб, мукамал.

Кундан парча олиб
Яратибди юз.
Чақнабди алқисса,
Кузида юлдуз.

Камалақдан жило
Сочни - мажнунтол.
Икки қора қошин
Берибди ҳилол.

Файратни - дарёдан
Ҳусни - гулдан.
Ёқимли овозини
Кумри, булбулдан.

Лабларин гунчадан,
Қалбни баҳордан.
Орзу-ю ҳавасни
Субҳи наҳордан.

Кўёш улашибди,
Тафт ила меҳр.
Зулмат ҳам берибди,
Озроқ рашк, сеҳр.

Булқанд тиниқлик,
Жилгалардан ёш.
Замину тоғлардан
Ирода, бардош.

Шамшод бирла сарвдан
Кўркам хушқомат,
Тундан бедорлиғи
Тондан - саодат.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Аёл ер юзига
Келди ниҳоят.
Шу билан мухтасар
Бўлди хикоят.

ОРЗУ

Ўғлонлар минади,
Хивичдан тойчоқ.
Қиз бола бағрида
Доим кўғирчоқ.

Ўзи бола, аммо
Болада меҳри.
Бу Оллоҳ неъматини,
Оналар муҳри.

Жонсиз бўлса ҳамки,
Унга куйинчақ.
Гоҳ тебратар бешиқ,
Гоҳи беланчақ.

Гоҳ ташлаб тўр парда
Аста бошига.
Келин бўлиб чиқар
«Меҳмон» қошига.

Шу зайл йил ўтар,
Етар камолга.
Ақл жами тўлар
Хусн - жамолга.

Она ўғитлари,
Амалда йўлдош.
Суоқли янғаси
Энг яқин сирдош.

Бўш қолди у билан
Сўхбат қуради.
Орзуга фарқ бўлиб
Хаёл суради.

Қани янғасидек
Бахтли бўлбоса.
Оила қасрининг
Ғиштин кўёлса.

Қаср шаҳзодаси
Бўлса суоқ ёр.
Вафо, садоқатин
Этарди нисор.

Талаба йилларга
Топилмас қиёс.
Умрини улчади
Куз, қиш, баҳор, ёз.

Болалик, ўсмирлик,
Олтин давр бўлди.
Соф ишқ-муҳаббатга
Юраги тўлди.

Она номин олди
Ҳам ёру рафиқ.
Оила, Ватанга
Вафодор, шафиқ.

Шукур ДАДАШ

(Давоми бор)

Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

Буюк саркарда Жало-
лиддин Мангубердининг
800 йиллик юбилеи 22
октябрда у туғилиб ўсган
Хоразмда катта тантана-
лар билан нишонланади.

Шу муносабат билан
Урганч шаҳрининг энг
кўркам ва сўлим гўшаси
Шовот канали соҳилида
Жалолiddин Мангубер-
ди номидagi маҳобатли
мажмуа барпо этилмоқ-
да.

Шаҳар кўрқига холдек
ярашиб турган бу мухта-
шам маскан таланти
меъмор Полвонназар Са-
лоев лойиҳаси асосида
бунёд этилмоқда. Лойи-
ҳа смета харажатлари
850 миллион сўмини таш-
кил этади.

Барча бунёдкорлик
ишлари ҳамда ташкилий
масалалар Жалолiddин
Мангуберди номили жам-
ғарма маблағи ҳисоби-
дан амалга ошириляпти.

Маҳобатли мажмуани,
барпо этишда вилоятнинг
деярли барча қурилиш
трестлари иштирок этмоқ-
далар. Айниқса, 3-темир

маскани ҳисобланмиш Шо-
вот канали ёнбағрида бу-
нёд этилаётган бу мажмуа
учун жуда сўлим жой тан-
ланди. Маълумки, Шовот

Ишни сифатли бажари-
ришда Аҳмад Алиев бош-
чилигидаги мрамар қир-
киш усталари, Насима
Хазиева бошчилигидаги
буёқчилар бригадаси на-
муна.

Ватан озодлиги йўли-
да мислсиз жасорат кўр-
сатган саркарда Жало-
лиддин Мангубердининг
мухташам ҳайкали исте-
тьёдоли ҳайкалтарош
Илҳом Жабборов томони-
дан ишланган.

Ашаддий душман
қўмондонлари томонидан
ҳам: «Ҳали шу дамларга-
ча дунё юзини кўрмаган,
чин маънодаги тенги йўқ
ҳақиқий ботир саркарда-
дур!» дея тан олинган
Жалолiddин Мангуберди
истиқлол шарафати ила
ўз Ватанига қайтди!

Эркин ЭРМАТОВ,
Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» муҳбирлари.

ХАЛҚИМИЗНИНГ
МАРД ЎҒЛОНИ

йўл қурилиш монтаж поез-
ди қурувчилари жонбозлик
кўрсатмоқдалар. «Жануб-
конқурилиш» очқ турдаги
ҳиссадорлик жамияти бош
пудратчи ҳисобланади.

Катта кўламдаги қури-
лиш ва монтаж ишларини
муддатда бажариб, буюк
саркарда Жалолiddин
Мангуберди юбилей танта-
наларига ҳам халқимизга тўх-
фа этамиз, дейди 5-қури-
лиш монтаж трести бош-
лиғи Худоев Аҳмедов.
Шаҳарнинг энг ажойиб

канал 1681 йилда Хива
хони Онушагом томонидан
бунёд этилган. Канал да-
стлаб «Шоҳобод» деб юри-
тилган. Аста-секин, йиллар
ўтиши билан бугунги кунга
Шовот бўлиб етиб келган,
дейди у.

Мухташам комплексда
охирги пардозлаш ишля-
ри амалга ошириляпти.
Қурилиш устаси Эр-
кин Давлатов бой тажри-
басини ишга солиб, қу-
рувчиларга маслаҳатлар
бериб борапти.

Ҳар тўғрида
ДАРАХТ УЙ


Германиянинг Штутгарт шаҳрида худди дарахт
шаклига ўхшаган улкан турар жой биноси қурил-
ган. Бинонинг пўлат «Шоҳ»ларида уч-тўрт минг
киши яшайдиган ва ҳамма қулайликлари бўлган
уйлар жойлашган.

Бино меъморларининг айтишларига кўра, та-
биатнинг яратувчилиқ усулига тақлидан қурилган
бу бино барча хонадон кишиларининг соғлиқлари
учун етарли шарт-шароит яратилиб, бир хилда
соф ҳаво ва ёруғлик билан таъминланган.

РАНГЛИ РАДИОСКОП

Польшанинг Лодзь шаҳридаги Ҳарбий-тиббиёт
академиясида рангли рентген расмлари олиш им-
конини берадиган асбоб ясалди ва у «рангли ра-
диоскоп» деб аталди.

Рангли рентген расмларида аввалги оқ-қора тас-
вирда пайқаш мумкин бўлган баъзи деталларни
ҳам бемалол аниқлаш мумкин экан.



Жиззах шаҳридаги «Нуронийлар» чойхонаси

ҲУРМАТЛИ ҲАМИЮРТЛАР!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

Сизларни Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш
имкониятларига эга бўлган санаторий ва курорт муассасаларига даволаниш ва дам
олишга таклиф қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида:

- «Гулпаршин» санаторийсига (юрак ва қон-томир,
асаб, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари
касалликлари).

Тошкент шаҳрида:

- Кўп тармоқли «Турон» санаторийсига (қон-томир,
юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари).
- «Чинобод» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзо-
лари ва гинекологик ва эндокринологик касалликла-
ри).

Махсус йўлланмалар бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14
ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Тошкент вилоятида:

- «Ботаника» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзо-
лари ва асаб касалликлари).
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14
ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.
- Кўп тармоқли «Бўстон» санаторийсига (қон-томир,
юрак, асаб ва урологик касалликлари).
- «В-март» санаторийсига (гинекологик касалликла-
ри ҳамда бепуштлиқ билан оғриган эр-хотин давола-
нади).
- «Оқ-Тош» санаторийсига (нафас аъзоларининг ту-
беркулёзга алоқадор бўлмаган касалликлари).

Андижон вилоятида:

- Кўп тармоқли «Марҳамат» санаторийсига (қон-то-

мир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари).

Бухоро шаҳрида:

«Ситораи Мохи Хосса» санаторийсига (буйрак ва уро-
логик касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш,
таянч ҳаракат аъзолари касалликлари).

Қашқадарё вилоятида:

Қарши шаҳридаги «Қашқадарё соҳили» санаторийсига
(қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва уро-
логик касалликлари).

«Мироқи» санаторийсига (нафас олиш аъзолари ва асаб
системаси касалликлари).

Наманган вилоятида:

- Кўп тармоқли «Чортоқ» санаторийсига (таянч-ҳаракат,
юрак, қон-томир, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб систе-
маси, тери ва гинекологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача
бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин

- «Косонсой» санаторийсига (ҳаракат-таянч, асаб, қон-
томир ва юрак, нафас, овқат ҳазм қилиш аъзолари касал-
ликлари).

- Кўп тармоқли «Нихол» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш
аъзолари, таянч-ҳаракат, асаб системаси, эндокринология
ва урологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача
бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Самарқанд вилоятида:

- «Абу Али ибн Сино» санаторийсига (таянч-ҳаракат
аъзолари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касал-
ликлари).

Фарғона вилоятида:

- Кўп тармоқли «Чимён» санаторийсига (қон-томир,
юрак, таянч-ҳаракат, асаб системаси, гинекологик, уро-
логик ва андрологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14
ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Даволаш муддати - 18 кун.

Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон
йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча
тўловлариз ўз нархида сотилади.

Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон
худудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш
масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари
курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради.
Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан
олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси
24 уй.

Мурожат учун телефонлар: 56-85-68,
56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.

Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марка-
зий Қўмитаси Қорақалпоғистон республика қўмитаси раиси
Д.Ходжаниязовга онаси

Калбике Жадигированинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба
уюшмалари ФедерациясиБош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов,
М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-
«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадодов (масъул котиб- «Ишонч»),
Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маъмули: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.
IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет
усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти
— 21.00 Топширилди: 21.30